



## КОФИРҚАЛЪА ТИЛГА КИРМОҚДА

*Қадимшуносларнинг саъй-ҳаракатлари билан қадимги Кофирқалъа шаҳри ўз сир-синоатларини очмоқда. Ундаги айрим топилмалар ҳақида «Фан ва турмуш»нинг илгариги сонларида айрим маълумотларни муштарийларимиз эътиборига ҳавола этган эдик..*

**К**офирқалъа - Дарғом каналининг чап қирғоғида кўҳна Афросиёб (қадимги Самарқанд) шаҳридан 18 километр жануби шарқда Самарқанддан жанубий Суғдга борадиган қадимги савдо йўлида жойлашган мўъжаз шаҳарнинг харобаларидир. Дастлабки илмий изланишларнинг кўрсатишича, Кофирқалъа ўрта аср бошларидан XII аср бошларигача ривож топган. Кўҳна шаҳарнинг ўзаги йирик квадрат шаклда (76×76 м ва баландлиги 25 метр) бўлиб, кучли истехком билан ҳимояланган. Ҳар бурчагида юмалоқ миноралар бўй чўзган, қалъанинг икки қават ўрамаси оралиғида ўқчилар жойлашган. Бунга қўшимча равишда қалъанинг шимоли-ғарбий бурчагидан квадрат шаклдаги қалъа чиқарилган, қўрғоннинг мустаҳкам арки кенг зовур ва қалин девор билан ўралган ва ташқи чеккаларига миноралар қурилган. Қалъа жанубий қисмининг марказида баланд арка билан қопланган ва ташқи ўров минораларининг бири билан осма кўприк орқа-

ли боғланган ягона кириш йўли мавжуд бўлган. Янаги қазилмалар бундай кучли муҳофаа иншоотлари қуриш тасодифий бўлмаганлигини кўрсатди.

Қалъа шаҳар харобаларида дастлаб XX асрнинг 30- ва 60-йилларида кичик-кичик қазилмалар олиб борилган. Лекин 2001 йилдан эътиборан қадимшунос А.Бердимуродов раҳбарлигида кенг кўламдаги тадқиқотлар бошланган.

2001–2006 йилларда Ўзбекистон-Италия экспедицияси ходимлари томонидан қалъанинг ўрта аср қатламлари тўлиқ ўрганилди. Ўшандаёқ унинг тўшалмасини емирилган ва кучли ёнғин излари кўзга ташланиб турган қалин пахса деворли VII-VIII асрларга оид мажмуа ташкил этганлиги маълум бўлди.

Кофирқалъада 2013 йилдан Ўзбек-Япон экспедицияси доктор Уно Такао раҳбарлигида муваффақиятли иш олиб борапти. Айнан уларнинг тадқиқотлари натижасида илк ўрта асрга оид олд монументал

*Қалъа киравериши, орқада ёғоч ўймакролиги намуналари топилган хона*

*Вход в цитадель, на заднем плане – помещение, где был найден резной деревянный декор*



*Кофирқалъа иморатларининг шимолий гуруҳи, олдинда ёғоч ўймакорлиги намуналари топилган бино кўриниши.*

*Северная группа помещений на цитадели Кафиркала с платформой-эстрадой перед ними*



*Ёғоч паннони тозалаш (расчистка деревянного панно)*

мажмуа аниқланиб деярли буткул казиб очилди. Атрофи айлана айвонли катта ҳовли (40×40 м) ана шу сарой мажмуасининг ташкилий негизи бўлган. Шимолий қисмида бинолар ва алоҳида ажратилган баланд платформа-эстрада (22×12 м) жойлашган

бўлиб, ҳовли маркази билан махсус баланд-пандус орқали боғланган. Мазкур мажмуанинг барча ички қисмлари деворий расмлар ва ёғоч безаклар билан зийнатланган. Бу ердаги кўплаб қуйган ёғоч тўсинлар ва тахталар шундан далолат беради.

Платформа-эстрада-нинг ўзи жуда катта айвон тарзида безатилган (уч қатордаги 18 та устуннинг асос қисми очиб ўрганилди). Платформа марказидан ўтган баланд йўл марказий бинога олиб борган ва бу ердаги тахтда ҳукмдор савлат тўкиб ўтирган. Шу боис хона алоҳида безатилган. Хона тубига ўтда пиширилган тахтачалар

ёткизилган, деворларнинг ташқи томонига нақш туширилган, ички томони ҳам нақшинкор паннолар билан безатилган. Киравериши ҳам ўйиб нақшланган ёғоч арка билан ҳошияланган.

Қазишмалар жараёнида йўлнинг ички қисми



### *Реставраторлар иши. Тозаланган қисмларни мустаҳкамлаш.*


#### *Работа реставраторов: закрепление расчищенных участков*

аркининг катта бўлагини, тўғрибурчакка яқин шаклдаги ёғоч паннони тозалаб, чамаси бошқа ёғоч панно ёки арк вертикал девор ҳамда сирти ўймакор нақшлар билан қопланган узун ингичка таёқ бўлақларини тиклашга муваффақ бўлдик. Уларни тозалашда археологлар, реставраторлар иш олиб бориб, мустаҳкамлаш учун реактивлар таркибини ва ташиш усулини танлаш билан машғул бўлишди. М.А.Реутова, М.Султанова, Б.Бошев, Муракам Томоми, А.Бегматов, Д.Холов каби реставраторларнинг улкан меҳнатлари билангина ана шундай нафис ноёб топилмалар сақлаб қолинди.

Ёғоч панно - суғд санъатининг ноёб намунаси. Унинг ўлчамлари 141×124 см. Паннонинг ўзи ўзаро темир скоба билан маҳкамланган иккита кенг тахтадан иборат. Бу тахталарнинг қалинлиги ҳозирда 0.5 сантиметрдан камроқ. Тахталарнинг ўнг томонига тўрт қават қилиб жойлаштирилган 46 та одам тасвири ўйиб туширилган композиция мавжуд. Композициянинг асосий сюжети Оллоҳга халқнинг оммавий сажда қилишидан иборат. Айнан у композициянинг асосий маркази ҳисобланади. Шунинг учун икки юқори яруси марказига ётган шер кўринишида тахтда ўтирган маъбуданинг йирик тасвири жойлаштирилган. Маъбуда тантанали, улуғвор тарзда бир қўлида лентали асони, чап қўлида эса қандайдир буюм дастасини тутган ҳолда ўтирибди. Бошида қанотли тож, қанотлар ўртасида, манглайи устида кичкина гардиш. Бу ярусдаги қолган барча фигуралар совға, кўчма меҳроб, чилим тутган эркалар тасвирини намоён этади, улар маъбудага юзланиб туришибди. Уларнинг бари илк ўрта аср Суғди учун хос кийимларда, белида белбоғ, лекин куролсиз. Оёқларида юмшоқ этик. Учинчи ярус, бунда ҳам донаторлар акс эттирилган: улардан бири қандайдир идишни тутиб турибди, эҳтимол у қимматбаҳо металлдан ясалган бўлса керак, бошқасининг қўлида гулчамбар, яна бири чилим ушлаб турибди, барча персонажлар ичида биргина кишининг қайишида ханжар осифлик. Ўнг томонда эса диний маросимга жўр бўлаётган созандалар тасвирланган.

Созандаларнинг қўлида ўша даврда Суғдда машҳур бўлган барча чолғу асбоблари намуналари (бурчак шаклдаги чилтор, уд, қўбизча, кўпнайли сибизға) акс эттирилган. Ана шу чолғу асбобларидан кўпчилиги Суғд созандалари билан бирга Буюк ипак йўли бўйлаб Хитойгача борган ва у ерда нақадар машҳур бўлган ва хитойча номлар билан аталган. Дарвоқе, ансамбл таркибида қўлида калта най ушлаган бола тасвирланган. Ярус марказидаги персонажлардан бири қўлини кўтариб гавдасини сал эгганча созандаларга термулиб турибди. Эҳтимол, у маъбудани мадҳ қилаётган хонанда ёки ансамбл раҳбаридир. Яруснинг ҳар икки чеккасидаги кишилар қўл қовуштириб туришибди. Туртинчи ярус персонажларининг аксарияти тиз чўккан ҳолда туришибди. Ярус марказида меҳроб тасвирланган, унинг пастга туширилган қўлида қандайдир буюм, балки ханжарнинг дастаси бўлса керак. Меҳробнинг ўнг томонида турган киши бошқалардан фарқли ўларок, тўғрига қараб бир тиззада энгашган, қўллари тиззага қадалган ҳолда тасвирланган. Бир қўлининг устида қандайдир лента ёки безакларнинг калта парчалари. Бошқа персонажлар аксариятининг қўлида, чамаси, қимматбаҳо металлдан ишланган идишлар (кўзалар, икки дастали қадах), қолган икки кишининг қўлида гулчамбар ҳамда телпак ёки лентали тож. У саҳна композициясида алоҳида аҳамият касб этади. Эҳтимол, бутун композиция шунчаки барча иштирокчиларга роҳат-фароғат бағишлаш ва ўз ҳимоясига олишга қаратилган буюм маъбудани шунчаки шарафлаш эмас, балки меҳробдан ўнгдаги персонажни танлашни ҳам ифода этади.

Ёғоч арканинг сақланиб қолган қисмида ҳам маъбудага сиғиниш акс эттирилган бўлиб, у икки шердан иборат тахтда ўтирибди (шерларнинг ёллари халқачаларда тасвирланган) маъбуда тўрт қўлли бўлиб, боши ортида атрофи аланга ялини билан қопланган нимб (бош атрофида ёғду тасвири) акс эттирилган. Унинг атрофида тухфали ва кўчма олов меҳроби (уларда ҳатто аланга кўрсатилган) тутган персонажлар турибди. Чамаси улар беш киши бўл-



*ЎзР ФА Археология институти реставратори М.Султонова тиклаган ёғоч панно тасвири.*

*Прорисовка деревянного панно, выполненная М. Султановой, реставратором Института археологии АН РУз*

ган. Пастда сажда қилаётганлар ва тухфа тутиб турган донаторлар шуъласимон шаклда жойлашган.

Паннода бўлганидек бунда ҳам буюк маъбуда Нана (зардуштий Ардвисура Анахита) тасвирланган. Самарқанд Суғдининг айрим мулклари ўз тангаларига «Панча-Нана-Хоним» ёзувини туширишган. Бу ҳол Суғдда ушбу маъбудага иззат-хурмат билдирилганидан дарак беради. У икки юқори қўлларида Ой ва Қуёшни тутиб турибди, унинг пастки ўнг қўлида асо, чап қўли тиззада. Унинг гавда ҳолати хотиржам ва маҳобатли. Нана ёки Нанай исми келиб чиқиши Эроний бўлмаган маъбудага тегишли. Тадқиқотчиларнинг фикрича, унинг образи Ўрта Осиё ва Эронда зардуштий пантеони илоҳи Анахита образи билан қўшилган. Унга Авесто Яште 5 бағишланган. Ардвисура Анахита (Ардви – «намлик», сура – «кучли» ва Анахита – «нуқсонсиз») муқаддас сувлар маъбудаси, унинг қўним топган ери юлдузлар орасида. У куч-қувватга тўла, қўрқмас, улуғвор. Ахура Мазда унга яратувчиликни кузатиш ғамхўрлигини ишониб топширган. У табиат ҳамда мавжудотнинг сермахсуллигини таъминлайди, пода ва яйловларни ўз ҳимоясига олади. Тегишлича Хоразм, Суғд, Бактрия ва Чочда, Ўзбекистоннинг тарихий-маданий вилоятларида Нана сув маъбудаси, ҳосилдорликни таъминловчи, бутун мавжудотнинг ҳимоячиси сифатида намоён бўлган. Авесто матнлари уни улуғвор, хушқомат қиз сифатида баён этади (буни панно ва аркда қўриш мумкин).

Кушан тангаларига Нана қўлида асо ва қадах тутиб турган ёхуд ётган шер устида ўтирган қиз тарзида туширилган. Тасвирда «Nana» ёзуви бор. Унинг тасвири деворий нақшларда, терракоталарда учрайди. Масалан, Британия музейидаги Ўрта Осиё косасида ёки Хоразм кумуш косасида у тахтада ёки шер устида ўтирган ҳолда тасвир этилган. Унинг қўли икки жуфт, юқори жуфтликда у Қуёш ва Ойни тутиб турибди. Хирмонтепа (Қашқадарё) Оссуарийсида бир жуфт маъбуда тасвирланган, улардан бирида тўрт қўлли Нана юқори жуфт қўлларида Ой ва Қуёшни тутиб турган тарзда тасвирланган. Буларнинг бари қадимда ва илк ўрта асрларда Нана маъбудаси образи нақадар машҳур бўлганлигидан далолат беради.

Гарчи Кофирқалъа қароргоҳининг ҳалокати VIII аср бошларига мансуб дейилса-да, бироқ панно ва аркдаги тасвирларнинг қатор ўзига хос қисмлари уни V–VI асрлар деб саналаш имконини беради. Айнан ўша даврда қалъа тубдан қайта қурилган, кучли муҳофаа тизими барпо этилган.

Шундай қилиб, кучли ҳарбий истехком, рисоладагидек архитектура, ёғоч ўймакорлиги нақшлари топилмаси, юқори сифатли кулолчилик буюмлари Кофирқалъани Самарқанд ҳукмдорларининг шаҳар ташқарисидаги Ривдат қароргоҳи дейиш имконини беради, у ерда давлат архиви сақланган.

Кофирқалъа мажмуаси VII аср охири – VIII аср бошларида юқори даражадаги қабуллар зали бўлиб, чамаси унда алоҳида байрамларда, чунончи, Наврўз ва Меҳржон тантаналари ўтказилган ва ҳукмдорга



*Ёғоч панно қисми. Қўлларида бурчак арфа ва уд тутган созандалар.*

*Деталь деревянного панно. Музыканты с угловой арфой и лютней-удом*

совға-саломлар топширилган. Шунингдек, бу ерда муайян диний маросимлар ҳам ўтказилган. VIII аср бошларида сарой душман ҳужумига учраб вайронага айлантирилган. Кофирқалъада 712 ва 738 йиллар оралиғида ёнган бўлган. Самарқанд ишҳиди Тургурнинг ўша ердан топилган иккита мис тангаси шундан далолат беради. Айнан шу даврда ёрликнома ҳужжатлар ҳам ёқиб юборилган. Безакларнинг ёғоч қисмлари девордан юлиб олиниб бир жойга тўплаб гулҳан қилинган. Нақшларнинг бир қисми ёнган бўлса-да, сақланиб қолганлари ҳам бор.

Бундай ёғочдан ишланган серперсонаж композициялар Марказий Осиё археологияси тарихида илк бор учрайди ва жаҳон миқёсидаги ноёб кашфиёт ҳисобланади. Улар нафақат Ўзбекистон аҳолиси маънавий оламинигина намоён этиб қолмай, балки унинг хассос усталарининг юксак санъатларидан ҳам далолат беради.

Амриддин Бердимуродов,  
Геннадий Богомолов ва Алишер Бегматов.  
ЎЗР ФА Археология институти  
Уно Такао.  
Нара университети. Япония.



## УНИКАЛЬНЫЕ НАХОДКИ С ГОРОДИЩА КАФИРКАЛА

*Уже не первый раз работы на городище Кафиркала радуют археологов интересными, а порой уникальными находками (о некоторых из них уже освещалось на страницах журнала «Фан ва турмуш». См. №1–2, 2014 г.).*

Само городище Кафиркала – это руины небольшого города, расположенного на левом берегу Даргома в 18 км к юго-востоку от городища Афрасиаб (Древнего Самарканда) на древней торговой дороге из Самарканда в Южный Согд. Предварительное изучение показало, что городище обживалось с рубежа нашей эры вплоть до XII в. н.э. Организационным ядром городища была крупная квадратная цитадель (76×76 м) высотой 25 м, которую защищала мощная фортификация. По углам

возвышались круглые башни. Внешний фас цитадели между ними по периметру был охвачен двухъярусной системой из боевых площадок для стрельков (их иногда ошибочно называют валгангом). Но дополнительно к этому от северо-западного угла цитадели был выдвинут квадратный форт, а сама цитадель обведена широким рвом, по внешнему краю которого были еще сооружены башни. В центре южной стороны цитадели располагался единственный вход, перекрытый высокой аркой и

*Ёгоч панно. Детал. Чамаси, қадах, ёнида донаторнинг иттифок, шунингдек севги ва иззат-хурмат рамзи сифатида гулчамбар ушлаб турган донатор кўли. Гулчамбарлардан кўпинча турли маросим ва тантаналарда фойдаланилган*

*Деревянное панно. Деталь. Возможно, виночерпий с кубком и рядом рука донатора с венком, символом союза, а также любви и уважения. Венки часто использовались в различных обрядах и на празднествах*

соединявшийся перекидным мостиком с одной из башен внешнего обвода. Как показали дальнейшие раскопки, возведение таких мощных оборонительных сооружений не было случайным.

Небольшие раскопки проводились на городище в 30-е и 60-е годы XX в. Но лишь в 2001 г. начались широкомасштабные исследования под руководством археолога А.Э. Бердимуродова. В 2001–2006 гг. сотрудниками Узбекско-итальянской экспедиции практически полностью были изучены средневековые горизонты обживания цитадели. Тогда же стало ясно, что их подстилает парадный комплекс VII–VIII вв. с мощными пахсовыми стенами со следами разрушений и сильного пожара.

С 2013 г. на городище успешно работает Узбекско-японская экспедиция под руководством доктора Уно Такао. Именно в результате этих работ был выявлен и почти полностью раскопан парадно-монументальный комплекс эпохи раннего средневековья. Организующим ядром этого дворцового комплекса был крупный двор (40×40 м) с айванами по периметру. В северной части располагались помещения и особо выделенная высокая платформа-эстрада (22×12 м), на которую от центра двора вел специальный подъем-пандус. Все внутренние части этого комплекса были богато украшены росписью и деревянными деталями, о чем свидетельствуют многочисленные обгоревшие деревянные балки и доски.



Сама платформа-эстрада была оформлена в виде глубокого айвана (от его перекрытия расчищены основания 18 колонн в три ряда). Возвышенная дорожка в центре платформы подводила к центральному помещению (лоджии), где на трехъярусном возвышении (пьедестале) восседал правитель. Именно поэтому помещение было особо украшено. Его пол покрывала жженая плитка, а стены с внешней стороны – роспись. Внутри стены помещения украшали резные деревянные панно. Вход также обрамлялся деревянной аркой с резной сюжетной композицией.

В процессе раскопок удалось расчистить большой кусок арки, обрамлявшей внутреннюю часть прохода, деревянное панно почти квадратной формы, видимо, кусок боковой части другого деревянного панно или вертикальной стенки арки и фрагменты длинных узких палок, лицевая поверхность которых была также покрыта резьбой. Над их расчисткой работала целая команда археологов и реставраторов, расчищая изображения, подбирая состав реактивов для их закрепления и способ транспортировки. Только благодаря в буквальном смысле титаническому труду реставраторов – М.А. Реутовой, М. Султановой, Б. Болиева, Мураками Томоми, А. Бегматова, Д. Холова удалось сохранить эти хрупкие, уникальные находки.

Деревянное панно – уникальный шедевр согдийского искусства. Его размер 141×124 см. Само панно состоит из двух широких досок, скрепленных между собой железными скобами. Толщина досок в

настоящее время – менее 0.5 см. На досках с лицевой стороны вырезана композиция из 46 человеческих фигур, размещенных в четыре яруса. Основной сюжет композиции – массовый ритуал поклонения (народа) божеству. Именно он является основным фокусом композиции. Поэтому в центре двух верхних ярусов помещена крупная фигура богини, сидящей на троне в виде лежащего льва. Богиня сидит величественно, торжественно, сжимая в одной руке жезл с лентами, а в другой – рукоять какого-то предмета. На голове ее корона с крыльями и небольшим диском между ними над лбом. Все остальные фигуры на этих ярусах передают изображения мужчин с дарами и переносными алтарями и курильницами в руках, которые стоят развернутыми к богине. Все они в одеждах, характерных для раннесредневекового Согда, подпоясаны, но не вооружены. На ногах – мягкие сапоги. На третьем ярусе также показаны донаторы: один из них с каким-то сосудом, вероятно, из драгоценного металла, у другого в руках венок, еще один держит курильницу, и он единственный из всех персонажей, на поясе которого висит кинжал.

С правой стороны изображены музыканты, сопровождавшие ритуал. В руках музыкантов, можно утверждать, показан весь набор музыкальных инструментов, популярных в то время в Согде (угловая арфа, лютня-уд, рожок, многоствольная флейта-сирикс). Многие из этих инструментов вместе с согдийскими музыкантами по трассам Великого шелкового пути попали в Китай, где стали там не только популярными, но даже получили китайские названия. Примечательно, что в составе ансамбля изображен и мальчик с короткой свирелью в руках. Один из персонажей в центре яруса показан обращенным лицом к музыкантам с поднятой рукой и слегка изогнутым телом. Возможно, это певец, прославляющий богиню, или руководитель ансамбля. Крайние фигуры с обоих концов яруса стоят со сложенными на груди руками (поза внимания и служения). Большинство персонажей четвертого яруса показаны коленопреклоненными. В центре яруса изображен алтарь. Слева от него помещен юноша, который одной рукой что-то подсыпает в чашу алтаря, в другой его руке, опущенной вниз, рукоять какого-то предмета, вероятно, кинжала. Персонаж справа от алтаря в отличие от других развернут фронтально. Он тоже опустился на одно колено, и его руки опираются на него. Поверх одной руки лежат какие-то короткие отрезки лент или украшений. Большая часть других персонажей держит в руках сосуды, видимо, из драгоценных металлов (кувшины, двуручный кубок). В руках оставшихся двоих – венок и шапка или венец с лентами. Видимо, эта сцена несла особое значение в композиции. Возможно, композиция в целом показывает не просто чествование великой богини, призванной наделить благодатью и своей защитой всех присутствующих, а также избрание ею (т.е. наделение харизмой и властью) персонажа справа от алтаря.



*Юқорида: Созандалар тасвирланган ёғоч панно қисми. Пастда: Мазкур паннонинг М.Султонова томонидан тикланган чизмаси.*

*Вверху: деталь деревянного панно с изображением музыкантов; внизу: прорисовка этой части панно М. Султановой*

На сохранившейся части деревянной арки также изображено поклонение богине. Только она сидит на троне из двух львов (кружками переданы их гривы), и сама богиня четырехрукая, за её головой – нимб с языками пламени по краю. По сторонам от нее стоят персонажи с дарами и переносными алтарами огня (на них даже показано пламя). Видимо, их было по пять человек с одной и с другой стороны. Ниже радиально располагались коленопреклоненные и стоящие донаторы с дарами.

Скорее всего, как и на панно, здесь изображена великая богиня Нана (зороастрийская Ардвисура Анахита). Некоторые владения Самаркандского Согда помещали на своих монетах надпись «Панча Нана – Госпожа», это свидетельствует о почита-

нии этой богини в Согде. В двух верхних руках она держит Луну и Солнце. В нижней ее правой руке – жезл, левая опущена на колено. Ее поза спокойна и величественна. Имя Нана или Нанай принадлежит богине не иранского происхождения, образ которой, как считают исследователи, в Средней Азии и Иране слился с образом Анахиты, божества еще зороастрийского пантеона. Ей посвящен в «Авесте» пятый яшт (с пехл. «почитать, совершать священнодействие, прославление божества»). Ардвисура Анахита (Ардви означает «влага», сура – «сильная» и Анахита – «незапятнанная») – богиня священных вод, место ее жительства находится среди звезд. Она полна сил и бесстрашного величия. Ахура Мазда доверил ей заботу наблюдать за творением.



*Марказий саҳна, тож кийдириш, маъбуда шерсимон тахтда.  
М. Султонова томонидан қайта чизилган Аркнинг юқори қисми.*

*Центральная сцена, венчавшая арку: богиня на львином троне.  
Прорисовка верхней части арки выполнена М. Султановой*

Она обеспечивает плодородие природы и живущих существ, покровительствует стадам и пастбищам. Соответственно в Хорезме, Согде, Бактрии и Чаче – историко-культурных областях Узбекистана, Нана выступала богиней вод, подательницей плодородия и защитницей всего живого. Авестийские тексты описывают ее в виде стройной девушки с величественной осанкой (что мы, кстати, и видим на панно и арке).

На кушанских монетах Нана в виде девушки стоит с жезлом и чашей в руках либо сидит на спине лежащего льва, причем изображение сопровождается бактрийской надписью «Nano». Ее изображение встречается и на росписях, и в малой пластике (терракоты), и в торовитке. Например, на среднеазиатской чаше из Британского музея или хорезмийской серебряной чаше она сидит на троне или льве, у нее две пары рук и в верхней паре она держит Солнце и Луну. На оссуарии из Хирмантепа (Кашкадарья) изображена пара божеств, одна из них – четырехрукая Нана с Луной и Солнцем в верхней паре рук. Все это свидетельствует об огромной популярности образа богини Наны в древности и в эпоху раннего средневековья.

Хотя гибель резиденции на Кафиркале относится к началу VIII в., но ряд характерных деталей изображений на панно и арке позволяет датировать их V–VI вв. Именно к этому времени следует отнести также капитальную перестройку цитадели, возведение мощной оборонительной системы.

Таким образом, наличие мощной фортификации, парадной архитектуры, находки росписей рез-

ного дерева, высококачественной керамической посуды позволяют отождествлять городище Кафиркалу с загородной резиденцией правителей Самарканда Ривдатом, где, вероятно, хранился государственный архив. Комплекс на цитадели Кафиркалы конца VII–начала VIII в. с огромным залом приемов, видимо, использовался по особым праздникам (например, Навруз, Мехриган) когда правителю преподносили дары. Здесь же могли совершаться и определенные культовые действия. В начале VIII в. дворец был подвержен нападению и разрушению. Кафиркала была сожжена где-то между 712 и 738 гг., о чем свидетельствуют найденные здесь две медные монеты самаркандского ихшида Тургара. Именно в это же время были сожжены документы, скрепленные буллами. Деревянные детали декора были сорваны со стен, свалены в кучу и подожжены. Часть этого деревянного декора не полностью сгорела и сохранилась.

Подобные многоперсонажные композиции, вырезанные на дереве, впервые встречаются в истории археологии Центральной Азии и являются уникальным открытием мирового значения. Они открывают не только духовный мир древнего населения Узбекистана, но и высокое искусство его мастеров.

Амриддин Бердимуратов,  
Геннадий Богомолов, Алишер Бегматов.  
Институт археологии АН РУз.

Уно Такао.  
Университет Нара, Япония.